

# Мавзу: ЗАХИРА ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

1. Захира ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
2. Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати;
3. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш масалалари

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида кўрсатилади (Ер кодекси 9-моддаси 5-қисми).

Захира ерлар қисқа муддатли – 3 йилгача ва узок муддатли – 3 йилдан 10 йилгача муддатга фойдаланишга берилиши мумкин.

Қисқа муддатга берилган ер участкалари захира ерлар таркиби хисобланади. Муддатнинг тугаши билан захира ерлар бошқа ердан фойдаланувчи шахсларга берилиши ёки захира ерлар таркибида қолиши мумкин.

Қолган барча холларда эса – узок муддатга фойдаланиш учун берилганида, бу ерлар захира ерлар фонди тоифасидан чиқиб кетади.

Захира ерлар ҳуқуқий ҳолатининг бир муҳим хусусияти шундан иборатки, яъни 79-модданинг 2-қисмига мувофиқ: “Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади”. Демак, қоидадан қуйидагича хулоса қилиш мумкин бўлади:

-захира ерларни биронта бир шахс, яъни тили, дини, миллати, ирқи, жинси, эътиқоди, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъий назар, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши мумкин эмас;

-захира ерлар, Ўзбекистон Конституциясида белгиланган маъмурий-ҳудудий бўлинишга мувофиқ тегишли туман, шаҳар ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади.

-Уларни захирага ажратилишидан асосий мақсад: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат, транспорт, алоқа ва коммуникация ва бошқа ноқишоқ хўжалик мақсадлари учун хизмат қилади.

Шунингдек захира ерлар бошқа барча ҳуқуқий муносабатлар объектлари ва субъектлари мавжуд бўлгани каби, ўзининг ана шу элементларига ҳам эга.